


## I. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 14386,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва саноат ишлаб чиқариш индекси 95,3 фоизни ташкил этди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида 2702,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-сентябрига нисбатан 110,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1529,8 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 1172,9 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2018 йил январь-сентябрига нисбатан мос равишда 108,9 фоиз ва 114,1 фоиз) ишлаб чиқарилди.

### Январь-сентябрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)



## Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати

Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва



технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар ҳажми 6032,3 млрд. сўмни ўсиш суръати 98,4 % ни ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ичимлик ишлаб чиқариш 98,1 % га камайган бўлса, мебел ишлаб чиқариш 117,3 %, кийим кечак ишлаб чиқариш 108,7 % ошганлигини кузатиш мумкин.

## Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 6477,7



млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 90,9 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати индекси табиий газ 96,5 % га, нефть 93,5 % га

ва кондесат қазиб олиш ҳажми 98,2 % га камайганлиги ва бошқа тоғ-кон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръати 104,4 % га ошганини кузатиш мумкин.

## Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари



томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1759,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг 12,2 % ни ) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўсиш суръати индекси ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 102,2 % га кўпайган.

## Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.



Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 116,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,8 % ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2019 йил январь-сентябрь ойларида сув билан

таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 99,8 % ни ташкил этган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб  
чиқариш ҳажми**  
(2019 йил январь-сентябрь ойларида)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати индекси, фоиз ҳисобида</i>
<b>Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми</b>	<b>14386,8</b>	<b>95,3</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>6477,7</b>	<b>90,9</b>
<i>улардан:</i>		
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	6280,1	90,8
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>6032,3</b>	<b>98,4</b>
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1716,4	101,4
Напитка ишлаб чиқариш	47,6	98,1
Тўқимачилик буюмлари	1635,7	86,4
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1695,3	102,1
Мебел ишлаб чиқариш	61,9	117,3
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	288,0	119,2
Металлургия саноати	63,9	96,6
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>1759,9</b>	<b>102,2</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>116,9</b>	<b>99,8</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>2702,7</b>	<b>110,9</b>
<i>шу жумладан</i>		
Озиқ-овқат товарлари	1529,8	108,9
Ноозиқ-овқат товарлари	1172,9	114,1



Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўларок Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 14386,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95,3 % ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 76,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга нисбатан 0,5 % ташкил этсада, нодавлат секторида 14310,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 99,5 % ташкил этди.

#### Давлат ва нодавлат секторларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, % да






Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 14386,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки камайиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95,3 % ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти ўсиш суръати 90,9 % ни, қайта ишлаш саноати 98,4 % ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 102,2 % ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар 99,8 % ни ташкил этди.

### Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат  
маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш ҳажми  
(йирик корхоналар бўйича)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2019 йил январь- сентябрь</i>	<i>2018 йил январь- сентябрига нисбатан %</i>
--	--------------------------	--	---

**Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш**

Табиий газ	<i>млн. м3</i>	24333,0	96,5
Нефть	<i>минг тн.</i>	397,4	93,5
Суюлтирилган газ	<i>минг тн.</i>	474,6	102,5
Конденсат	<i>минг тн.</i>	1043,6	98,7

**Ишлаб чиқарадиган саноат**

Ун	<i>тн.</i>	102898,4	112,2
Нон маҳсулотлари	<i>тн.</i>	1662,6	62,8
Омухта ем	<i>тн.</i>	70610,0	103,0
Тозаланган ўсимлик мойи	<i>тн.</i>	9342,1	55,7
Макарон маҳсулотлари	<i>тн.</i>	463,0	23,0
Ароқ ва ликёр маҳсулотлари	<i>минг л.</i>	1377,6	95,7
Вино маҳсулотлари	<i>минг л.</i>	632,1	100,3
Калава ип	<i>тн.</i>	17818,0	124,1
Олтингугурт	<i>минг тн.</i>	182,2	94,3


	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2019 йил январь- сентябрь</i>	<i>2018 йил январь- сентябрига нисбатан %</i>
Линт	<i>тн.</i>	2261,0	36,1
Пахта толаси	<i>тн.</i>	30080,0	39,2
Пахта чигити	<i>тн.</i>	46115,0	41,0
Шрот ва шелуха	<i>тн.</i>	50348,0	62,0
Хўжалик совуни	<i>тн.</i>	263,0	133,5
Калий ўғити	<i>минг тн.</i>	147,0	107,3
Термопласт қувурлари	<i>тн.</i>	3249,0	98,0
Полиэтилен	<i>тн.</i>	99422,0	100,6
Бўғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	<i>минг Гкал.</i>	2536,8	60,4

### Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Қашқадарё вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Муборак тумани (Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 33,8 %), Ғузор тумани (20,5 %), Қарши шаҳар (13,0 %), Нишон тумани (10,5 %), Қарши тумани (3,9 %) ҳиссасига тўғри келади.



**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудларнинг жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да**




Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, sanoat мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Қашқадарё вилояти ва туманларида ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулоти ҳажмини туманлараро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, sanoat маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, ҳудудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятида sanoat маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 14386,8 млрд. сўмни ташкил этиб, вилоятда ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 4444,3 минг сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати индекси 93,4 % га етказилганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек вилоятда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши аҳоли жон бошига 834,9 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,7 % га етди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш**

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан (110,9 % га) ошишига олиб келди, жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 18,8 % ни ташкил этди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да**


2019 йил  
январь-сентябрь



- Озиқ-овқат товарлари
- Ноозиқ-овқат товарлари
- Ароқ вино маҳсулотлари


Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1493,6 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 55,3 %, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1172,8 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 43,4 %, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 36,3 млрд. сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 1,3 % ни ташкил этди.

**Ҳудудларнинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда истеъмол товарларининг улуши, % да**




Туманларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми энг юқори улушга эга бўлган Шахрисабз тумани (93,4 %), Чирокчи тумани (87,9 %), Яккабоғ тумани (80,7 %), ташкил этади. Шунинг билан бирга энг кам улушга эга бўлган Муборак (1,2 %), Ғузур (2,3 %), Нишон (4,3 %) туманларига тўғри келади.

**Худудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари индекси, % да**  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)



Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда энг юқори ўсиш суръатлари Китоб тумани (111,1 %), Шахрисабз шаҳри (109,1 %) ва Дехқонобод тумани (105,0 %) кузатилмоқда.

**Худудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари, % да**  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)




Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг йирик ўсиш суръатлари Нишон тумани (113,1 %), Миришкор тумани (113,0 %), Касби ва Қамашни туманлари мос равишда (112,8 %) ва Чирокчи туманида (112,7 %) кузатилган.

### Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси


Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш кузатилди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,3 % ошиши таъминланди. Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 22,1 % ни ташкил этди.

### 2019 йил январь-сентябрь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да




Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Китоб тумани жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши (100,0 %), Чирокчи (93,0 %), Қамашни (90,4 %) ва Шаҳрисабз (78,1 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Муборак (1,5 %), Ғузор (2,3 %), Нишон (8,2 %) туманларида кузатилди.

**Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми, (минг сўмда)**



Худудлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсаткич Муборак туманига (56877,8 минг сўм), Ғузур туманига (14701,1 минг сўм), Нишон тумани (10089,1 минг сўм) ва Қарши шаҳри (6840,9 минг сўм) га тўғри келди. Энг паст кўрсаткич эса Чироқчи тумани (453,7 минг сўм), Қамаш тумани (761,0 минг сўм) га тўғри келди.

**Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг ҳажми (минг сўмда)**



Худудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсаткич Қарши шаҳри (3138,7 минг сўм), Шаҳрисабз шаҳри (1460,8 минг сўм), Шаҳрисабз тумани (1013,8 минг сўм), Косон тумани (835,9 минг сўм) га тўғри келади. Энг паст кўрсаткич эса Дехқонобод тумани (301,0 минг сўм), Ғузур тумани (334,3 минг сўм) га тўғри келади.